



КИБЕРЖИНОЯТЛАР ДОИРАСИДА СОДИР ЭТИЛГАН ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИ

Мустофакулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан

Сатторов Шахзоджон Шерзодович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги
бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 322-ўқув гуруҳи
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17841150>

ARTICLE INFO

Received: 1st December 2025
Accepted: 2nd December 2025
Published: 5th December 2025

KEYWORDS

Кибержиноятлар,
киберҳавфсизлик тўғрисидаги
қонун, хуқуқбузарликлар
профилактикаси, махсус
профилактика.

ABSTRACT

Ушбу мақолада кибержиноятларнинг вужудга келиши тарихи, кибержиноятнинг тушунчаси ва турлари, кибержиноятчилик ҳақида олимларнинг фикрлари ва киберҳавфсизлик тўғрисидаги қонуни, махсус профилактикани амалга ошириш йўллари ҳақида сўз юритилади.

Барчамизга маълумки, хуқуқбузарликлар профилактикасининг самарали ташкил этилиши халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис кибержиноятлар доирасида содир этилган хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси бўйича фаолиятини ривожлантиришнинг амалий механизмларини тадқиқ этиш, соҳада мавжуд муаммолар ечими юзасидан амалий ва назарий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, айниқса, киберҳавфсизлик бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва кибержиноятларга қарши курашишни жадаллаштириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2025 йил 3-ноябрь кuni кибержиноятчиликка қарши курашиш масалаларига бағишланган муҳокама йиғилишида *“Шахсий маълумотлар ҳимояси бўйича аниқ механизм мавжуд эмаслиги, айрим тадбиркорлик субъектлари мижозларнинг маълумотларини очиқ базаларда сақлаётганини, давлат хизматлари соҳасида ҳам биометрик идентификация ва электрон рақамли имзолардан фойдаланишда киберҳавфсизлик бўйича етарли кафолатлар таъминланмаганини”*¹ танқид қилганлар.

Бугунги кунда мамлакатимизда 31 миллиондан ортиқ аҳоли интернетдан фойдаланмоқда. Шу билан бирга, сўнгги беш йилда юртимизда кибержиноятлар сони эса 68 баробарга кўпайган. Жорий йилнинг ўзида 46 мингдан ортиқ кибержиноят аниқланган. Улар орқали жисмоний ва юридик шахсларга етказилган моддий зарар 1,2

¹ Президент Шавкат Мирзиёев 3 ноябрь кuni бир нечта йўналишлар юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди. Йиғилишда кибержиноятчиликка қарши курашиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. <https://bankers.uz/news/2856>.

триллион сўмдан ошганлиги² кибержиноятлар доирасида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини кучайтириш ва кибержиноятларга қарши самарали курашиши зарурлигини кўрсатади.

Кибержиноятнинг вужудга келиши билан тадқиқотчилар ўртасида «кибержиноят» атамаси қанақа бўлиши ва ушбу атама нималарни ўз ичига олиши кераклиги ҳақида мунозаралар пайдо бўлиб, ханузгача давом этиб келмоқда. Тадқиқотчилар ўртасидаги баҳслар давомида «кибер жиноят ва «компьютер жинояти» атамаларининг комбинацияси масаласини кўтарадиган бир неча назариячилар мавжуд, бу икки тушунча ўртасидаги муносабатлар бўйича биринчи назарияда «кибер жиноят» атамаси «компьютер жинояти»га қараганда кенгроқлигини таъкидлайди. Ушбу назариянинг вакиллари рус олимлари В.А. Номоконов ва Т.Л. Тропина ўз тадқиқотларида «кибержиноят» тушунчасини келтириб чиқарадиган сўзларнинг маъносини тавсифловчи хорижий изоҳли луғатларни таҳлил қилиб, таҳлил натижаларига кўра, "кибержиноят" атамаси "компьютер жинояти"дан кенгроқ деган хулосага келишди. Улар ўз фикрларида ахборот маконида содир этиладиган жиноятларнинг моҳиятини аниқроқ ва тўғри тасвирлайдилар, бундан ташқари, тадқиқот натижаларига кўра, олимлар «кибержиноятга ўзларининг таърифларини беришган. Уларнинг фикрича, "кибержиноят бу компьютер тизимлари ёки компьютер тармоқлари, шунингдек кибермаконга киришнинг бошқа ёрдамида ёки улар орқали кибермаконда, компьютер тизимлари ёки тармоқлари воситалари доирасида ҳамда компьютер тизимларига, компьютер тармоқларига қарши содир этилган хар қандай жиноятлар мажмуидир.

Ахборот-технологиялар воситасида содир қилинган жиноятлар, аллақачон ривожланган хорижий мамлакатларда "кибержиноятлар" деб номланади ва ушбу ижтимоий хавfli қилмишларга қарши курашиш, олдини олиш, унинг кейинги фаолиятига тўсқинлик қилиш каби чора-тадбирлар қонунчилигида белгиланган. Умуман олганда, кибержиноятларнинг ўзига хос хусусияти қуйидагилар:

- ушбу тоифадаги жиноятлар макон танламай, уни исталган пайт дунёнинг турли томонларидан кутиш мумкин;
- мунтазам равишда ҳар куни янги ва олдингиларидан анча хавfliроқ бўлган вирус ва бошқа зарарли дастурларнинг яратилиши;
- кибержиноятларга қарши курашадиган органларда малакали ва ушбу соҳада мукамал билимларга эга мутахассислар мавжуд эмаслиги ва бунинг натижасида жиноятнинг кеч аниқланиши;
- кибержиноят натижасида муайян мулк эмас, балки ахборотларга нисбатан мулкчилик ҳуқуқи йўқотилади;
- ахборотларни қайта ишлаш жараёнида йўл қўйилган хатолик ўз вақтида кузатилмайди ва тузатилмайди, натижада келгусида содир бўладиган хатоларнинг олдини олиб бўлмайди³;
- содир этиладиган компьютер жиноятлари ўз вақтида эълон қилинмайди (ҳисоблаш тармоқларида камчиликлар мавжудлигини бошқалардан яшириш, муассаса ишчанлик обрўйини сақлаб қолиш ва бошқа мақсадларда);

² Президент Шавкат Мирзиёев 3 ноябрь куни бир неча йўналишлар юзасидан таклифлар тақдими билан танишди. Йўғилишда кибержиноятчиликка қарши курашиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. <https://bankers.uz/news/2856>.

³ Рўзиев Р.Н., Салаев Н.С. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро стандартлар. Монография. – Тошкент: ТДЮУ, 2018, 6-бет.

➤ кибержиноятни тергов қилиш ҳамда очишнинг ўзига хос қийинлиги, жуда катта зарарга олиб келиши, жиноятчиларга қарши курашиш ва унинг профилактикаси учун ягона ҳуқуқий асоснинг мавжуд эмаслиги кабилар.

Профилактика инспекторлари кибержиноятлар доирасида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси бўйича Ўзбекистон Республикаси 2014 йил 14-майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 24-27-моддаларида белгиланган махсус профилактика чора-тадбирларини амалга оширади. Ушбу қонуннинг 24-моддасида махсус профилактикани амалга ошириш учун 2 та асос келтирилган. Булар:

- 1) Айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши;
- 2) Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши⁴.

Шундай экан мамлакатда кибержиноятлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар тоифаси кўпайиб шахс жамият давлатга кибержиноятлар билан боғлиқ хавф хатарлар туғилса махсус профилактикани ўтказишга асос бўлади. Кибержиноятлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ўтказилади.

Сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларида “кибержиноят” тушунчасига борган сайин кўпроқ дуч келаётган бўлсак-да, ушбу тушунчага синоним сифатида мамлакатимизда “компьютер жиноятлари” ёки “ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” тушунчалари қўлланилади. Аммо аксарият муаллифлар “кибержиноят” тушунчасини “компьютер жиноятлари” тушунчасидан фарқ қилишини, ушбу тушунча ахборотлаштириш соҳасидаги барча жиноятларни қамраб олишини, шу орқали “компьютер жиноятлари”га нисбатан кенгроқ тушунча эканлигини таъкидлашган. Бундан кўринадики, кибержиноят компьютердан фойдаланиш ёки компьютер, глобал тармоқ орқали содир қилинадиган жиноятдир⁵.

Д.Н.Карпованинг фикрича кибержиноятчилик – Интернет тармоғига эга бўлган ҳар қандай техник воситалар ёрдамида шахс, ташкилот ёки давлатга иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, мафкуравий, маданий ва бошқа турдаги зарар етказиш мақсадидаги ижтимоий хавfli қилмишдир⁶. Эътиборли жиҳати, Карпова шахсга етказиладиган мафкуравий зарарни ҳам кибержиноятчилик деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15-апрелда “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги 764-сон қонуни қабул қилиниши бу соҳанинг нақадар ривожланиб, ушбу соҳада содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш долзарблигидан далолат беради.

Кибержиноятчилик — ахборотни эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар⁷ йиғиндиси деб таъриф берилган.

Зеро, тўрт аср аввал машҳур инглиз файласуфи Френсис Бекон томонидан айтилган “Кимки ахборотга эгалик қилса, у дунёга эгалик қилади”, деган сўзлар янгича мазмун

⁴ Ўзбекистон Республикаси 2014 йил 14-майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ 371-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357>.

⁵ Gurcke M. Understanding Cybercrime: A Guide for Developing Countries. ITU, 2009.

⁶ Карпова Д.Н. Киберпреступность: глобальная проблема и ее решение. Власть, 2014, ст.47.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15-апрелда “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги 764-сон қонуни. <https://lex.uz/uz/docs/5960604>.

касб этмоқда⁸. Шахс, давлат ва жамиятнинг ўз мулкига, тижорат сирига, шахсий маълумотлар базасига, ёнқи номоддий неъматларига доир ахборотлар муҳофазаси кечаги кундан кўра янада долзарброқ ва давлат дастури даражасига кўтарилганлиги эътиборга лойиқ.

Мазкур ҳолатни халқаро миқёсда танишиб чиқадиган бўлсак, айнан киберхужумлар оқибатида қилинган жиноятларнинг энг кўп сони жами аҳолига нисбатан 2016 йилда Хитойда 52%, Россияда 71,3%, АҚШда 88,5%, Японияда 91,1% ташкил қилган ва мазкур йилда Хитойнинг 721 млн. аҳолиси киберхужумларнинг жабрланувчисига айланишган⁵⁴. Шу сабабли ҳам бугунги кунда Хитой Халқ Республикасининг Жиноят кодекси кўпчилик моддаси айнан мазкур киберхужумлардан ҳимояланиш юзасидан қайта ишлаб чиқилган бўлиб, жумладан, 1997 йилда Хитой Халқ Республикасининг Жиноят кодекси 246-моддасига ўзгариш киритилган бўлса, 287а-модда “Ахборот тармоқлари орқали жиноятни содир этишга кўмаклашиш” моддаси қўшимча модда сифатида, 1997 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Хитой Халқ Республикасининг Жиноят кодексига эса, 286-модда “ахборотни бузиш, компьютер тизимларининг бузилиши ва тарқалиши” мазмунидаги модда киритилиб, шундан сўнг компьютер тизимларининг бузилиши, вирусларни тарқатганлик учун, шунингдек Интернет орқали ахборот хавфсизлигини бузувчи амалларни бажарганлик учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланди. Шунингдек, ахборот тармоқлари орқали террористик фаолиятни олиб борганлик учун жиноий жавобгарлик илк марта Хитой жиноят қонунчилигига киритилган.

1. Компьютер ахбороти – бу электрон шаклда қайд этилган, компьютер тизими, уларнинг тармоқлари ёки таркибий қисмларида мавжуд бўлган ва электрон шаклда тақдим этиладиган шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги ахборотдир; 2. Кибержиноят – бу компьютер тизими, тармоғи, шунингдек компьютер тизими, тармоғига уландиган бошқа воситалар орқали ёки уларнинг ёрдамида шахс, жамият ва давлатнинг моддий ва номоддий неъматларига қаратилган ахборот хужуми кўринишидаги кибермуҳитда содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш. 3. Киберхавфсизлик – ахборот инфраструктурасини ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш, киберинцидентларни аниқлаш ва уларни олдини олишга қаратилган хавфсизлик сиёсати. 4. Киберинцидент – ахборотнинг махфийлиги, яхлитлиги, ҳақиқийлиги, бутунлиги ва хавфсизлигига таҳдид соладиган ёки потенциал хавф соладиган, шунингдек хавфсизлик сиёсатининг бузилиши билан боғлиқ воқеа. 5. Кибертерроризм – яъни компьютер техникаси воситаси, унинг тизими ёки тармоғи, бутунжаҳон интернет ахборот тармоғидан фойдаланиб террорчилик ҳаракатларини содир этиш, шунингдек террорчилик ҳаракатларига аҳолини жалб қилиш, бундай ҳаракатларни тарғиб қилиш ва молиялаштириш.

Кибержиноятчиликка қарши курашининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига оид тақлифлар: 1. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ва кибер жиноятларнинг миллий хавфсизликка таҳдидини ўрганиш, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосларни тизимлаштириш ва аниқлаштириш лозимлигидан далолат беради. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022-йилларга мўлжалланган Киберхавфсизлик стратегиясини қабул қилиниши лозим деб ўйлаймиз. Ушбу стратегияда ахборот хавфсизлигининг ҳозирги ҳолати таҳлили асосида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади, вазифалари ва асосий муаммолари белгилаб берилиши, ахборот хавфсизлигининг объектлари, хавфларини ва уларнинг

⁸ Г.И.Хотинская, Е.Черменева. Модели раскрытия финансовой информации: эволюция и современность // Науч.стат.: Финансовый вестник: Финансы, налоги, страхование, бухгалтерский учет, 2015, №3, Ст 10- 17.

оқибатларини, хавфларни олдини олиш, тўхтатиш ва йўқ қилиш усуллари ва воситаларини, шунингдек давлат органлари ва хусусий секторнинг турли соҳаларида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари кўрсатилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон Республикасида кибержиноятлар кириб келиб кўпайиб бораётганлигини ҳисобга олиб Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунда⁹ белгиланган махсус профилактикани ўтказиш учун киберхавфсизлик соҳасида ҳавф ҳатарларнинг юзага келиши ва ушбу турдаги жиноятларни содир этадиган шахслар тоифаларининг кўпайиши ва ҳуқуқбузарликларнинг тури кўпайганлиги сабабли уларга қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган махсус профилактик тадбирлар амалга оширилади. Бу эса профилактика инспекторларига кибержиноятларга қарши аниқ ва манзилли махсус профилактик тадбирларни самарали амалга ошириш учун юксак билим ва тажриба керак бўлади. Етук мутахассислар кибержиноятларга қарши курашда махсус профилактикани самарали амалга оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Президент Шавкат Мирзиёев 3 ноябрь куни бир нечта йўналишлар юзасидан таклифлар тақдироти билан танишди. Йиғилишда кибержиноятчиликка қарши курашиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. <https://bankers.uz/news/2856>.
2. Президент Шавкат Мирзиёев 3 ноябрь куни бир нечта йўналишлар юзасидан таклифлар тақдироти билан танишди. Йиғилишда кибержиноятчиликка қарши курашиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. <https://bankers.uz/news/2856>.
3. Рўзиев Р.Н., Салаев Н.С. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро стандартлар. Монография. – Тошкент: ТДЮУ, 2018, 6-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси 2014 йил 14-майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ 371-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357>.
5. Gurcke M. Understanding Cybercrime: A Guide for Developing Countries. ITU, 2009.
6. Карпова Д.Н. Киберпреступность: глобальная проблема и ее решение. Власть, 2014, ст.47.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15-апрелда “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги 764-сон қонуни. <https://lex.uz/uz/docs/5960604>.
8. Г.И.Хотинская, Е.Черменева. Модели раскрытия финансовой информации: эволюция и современность // Науч.стат.: Финансовый вестник: Финансы, налоги, страхование, бухгалтерский учет, 2015, №3, Ст 10- 17.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14-майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357>.